

## Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2019 йил декабрь ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси А.Элмуродов, судья ёрдамчиси А.Шеровнинг котиблигида, тарафлардан: Қарши шаҳар прокурори катта ёрдамчиси М.Каримов, жабрланувчи М.Сувонкулов, жабрланувчи Д.Диёровнинг вакили адвокат О.Рахимов, судланувчи А.Қурбонов ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Маннонов, судланувчи М.Ражабов ва унинг ҳимоячиси адвокат Ў.Мейлиев, судланувчи Ҳ.Ғойибов ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Аннаев, судланувчи М.Азамов ва унинг ҳимоячиси адвокат У.Нурматов, судланувчи Ф.Ўткиров ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Нормуродовнинг иштирокида, Қурбонов Аброр Шухратович, Ражабов Муҳаммадали Шерали ўғли, Ғойибов Хусан Шухрат ўғли, Азамов Муроджон Шавкат ўғли, Ўткиров Фаррух Хуршид ўғлига нисбатан 1-1801-1901/409-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қурбонов Аброр Шухратович (Qurbonov Abror Shuxratovich), 1991 йил 7 августда Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам уч марта судланган:

1) Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 29 майдаги ажримига кўра, ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан айбланишга доир жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан тугатилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2014 йил 2 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 2015 йил 29 августдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 11 ой 2 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган; Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2016 йил 17 июндаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

3) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2019 йил 1 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “в” банди



билан 1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо муддати 2019 йил 3 август кунидан бошлаб ҳисобланган;

Қарши шаҳар “Маҳаллот” маҳалла фуқаролар йиғини, Тошқудук кўчаси, 32-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2019 йил 15 август кунидан қамоққа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 22 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан айбланган;

Ражабов Муҳаммадали Шерали ўғли (Rajabov Muhammadali Sherali o`gli), 1996 йил 13 февралда Яккабоғ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам Қарши шаҳар ИИБ Тергов бўлимининг 2018 йил 18 январдаги қарорига кўра, ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан айбланишга доир жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1,2-бандларига асосан унинг айблилиги тўғрисидаги масаласи ҳал қилинмай туриб тугатилган, Яккабоғ тумани “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини, Янгибоғ кўчаси, 53-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2019 йил 23 август кунидан қамоққа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 22 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган;

Ғойибов Ҳусан Шухрат ўғли (G`o'yibov Husan Shuhrat o`gli), 1991 йил 12 июнда Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, Қарши шаҳридаги “Саноат сервис” масъулияти чекланган жамиятида назоратчи бўлиб ишлаган, муқаддам Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2011 йил 9 августдаги ажримига кўра, ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланишга доир жиноят иши ЖКнинг 66-1-моддаси тартибида ярашув асосида тугатилган, Қарши шаҳар “Нахшаб” маҳалла фуқаролар йиғини, Яккатол кўчаси, 16-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2019 йил 13 сентябрь кунидан қамоққа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 12 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган;

Азамов Муроджон Шавкат ўғли (Azamov Murodjon Shavkat o`gli), 1995 йил 20 октябрда Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институтининг 4-курс талабаси, судланмаган, Қарши шаҳар “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғини, 6-митти тумани, 1/7-уй, 25-хонадонда рўйхатда туриб, Қарши шаҳар “Қарлуқбоғот” маҳалла фуқаролар йиғини, Насаф кўчаси, 200-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2019 йил 20 сентябрь



кунидан қамоққа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 22 ноябрь куни олган,  
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “Г” банди билан айбланган;

Ўткиров Фаррух Хуршид ўғли (O`tkirov Farrux Xurshid o`gli), 1995 йил 10 июнда Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, Қарши шаҳар “АУФ” хусусий компаниясида ишчи бўлиб ишлайди, муқаддам Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2017 йил 13 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган; Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2019 йил 7 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 48-1-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 25 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган; Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2019 йил 16 июлдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган; 2019 йил 13 сентябрь ҳолатида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 1 ой 12 кун муддатини ўтаб, 1 йил 4 ой 4 куни ўталмаган;

Қарши шаҳар “Комилон” маҳалла фуқаролар йиғини, Байроқ кўчаси, 12-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2019 йил 13 сентябрь кунидан қамоққа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 22 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “Г” банди билан айбланган.

Суд судланувчилар, жабрланувчининг вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчилар Қурбонов Аброр Шухратович, Ражабов Муҳаммадали Шерали ўғли, Ғойибов Ҳусан Шухрат ўғли, Азамов Муроджон Шавкат ўғли ва Ўткиров Фаррух Хуршид ўғли олдиндан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, 2019 йил 26 июль куни соат 21 да уларнинг изидан тўхташини талаб қилиб, безорилик ҳаракатлари содир этиши мумкин бўлган ҳолатни олдини олиш мақсадида улардан қочиб, ўзининг яшаш уйига келган Диёров Дилшод Давронович ва Сувонқулов Максудали Панжиевичга қўлларидаги пичоқ, бита, темир ва таёқларни қурол сифатида намойиш қилишиб, бу ҳолатдан кўрқиб уйларига кириб кетган Д.Диёров ва М.Сувонқуловни кўришиб, Д.Диёровнинг бошқарувида



бўлган, ўзининг Қарши шаҳар “Комилон” маҳалласи, Туркистон кўчаси, 47-уйининг олдида турган фуқаро Давронова Паризод Дилшод қизига тегишли бўлган “Нексия-3” русумли давлат рақами 70 J 888 AA бўлган автомашинасини жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ҳеч бир сабабсиз ушбу автомашинанинг ойналарини синдириб, шиналарини тешиб, кузовларини қайириб, ушбу автомашинага 13.016.674 сўм миқдорида моддий зарар етказишиб, безорилик жиноятини қасддан содир этишган.

Судланувчилар А.Қурбонов, М.Ражабов, Ҳ.Ғойибов, М.Азамов ва Ф.Ўткировлар бу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилишган.

Судланувчи Қурбонов Аброр судда, айбига иқрорлик билдириб, Сувонкулов Мақсудалини олдиндан танишини, у билан бир неча мартаба телефон орқали тортишиб қолганлигини, М.Сувонкулов унинг онасини ҳақорат қилганлигини, шу сабабли ўрталарида адоват юзага келганлигини, Диёров Дилшодни аввалдан танимаслигини, 2019 йил 26 июль куни тахминан соат 20:30 да Қарши шаҳридаги Медицина коллежи ёнида жойлашган Исломов Шаҳзодга тегишли спорт залидан Суяров Сухроб ва Ғойибов Хусанлар билан бирга чиқиб, Қаҳҳоров Бобирга тегишли автомашинада “Оқшом” ресторанига овқатланишга бориш учун қолган дўстлари билан кўнғироқлашиб, Ўткиров Фаррухни йўлдан олишга келишганликларини, бу орада Ёрбўтаев Абдумалик, Азамов Муроджон ва Ражабов Мухаммадалилар Муха лақабли Абдумаликнинг ўртоғига тегишли бўлган давлат рақамсиз “Кобальт” автомашинасида келиб қолишганлигини, кейин биргаликда “Оқшом” ресторанига бормоқчи бўлиб, ушбу спорт залида бирга шуғулланувчи Қаҳҳоров Бобурнинг 70F888AA давлат рақамли “Кобальт” русумли автомашинасида йўлга чиқишганлигини, автомашинани Қаҳҳоров Бобур бошқарганлигини унинг ёнига Суяров Сухроб, ҳайдовчининг орқасидаги ўриндиққа унинг ўзи, ўртада Ғойибов Хусан, Суяров Сухробнинг орқасида Ўткиров Фаррух ўтирганлигини, йўл-йўлакай Ўткиров Фаррух кийимларини алмаштириб олиши учун унинг уйи томон кетишаётганида, йўлда Қарши шаҳридаги “UMS” алоқа компанияси ёнидаги светофорга тўхташганида, Ёрбўтаев Абдумалик билан Ражабов Мухаммадалилар қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келган автомашинанинг ичида Сувонкулов Мақсудалини кўриб қолиб, ўзларининг автомашиналари билан унинг ортидан қувлаб кетишганлигини, улар ҳам Ёрбўтаев Абдумаликнинг изидан “Марко” супермаркетининг ёнига қадар боришганлигини, аммо йўлда уларни йўқотиб қўйишганлигини, шунда Ҳ.Ғойибов рақамсиз “Кобальт” автомашинасининг ичида бўлган М.Ражабовга кўнғироқ қилганида у Мақсудалини йўқотиб қўйишганлигини айтганлигини, сўнг улар Ўткиров Фаррух кийимларини алмаштириб олиши учун унинг уйига қараб ҳаракатланишганлигини, уларнинг изидан Абдумалик ва Мухаммадалилар



хам ҳаракатланишганлигини, Фаррухнинг уйига боришда кейинчалик унга исми маълум бўлган Диёров Дилшоднинг уйи олдида турган автомашинанинг ёнида Сувонкулов Мақсудалини кўриб қолишиб, автомашинадан тушиб, ўзи билан олиб юрган ичига ёпиладиган пичоғи билан, қолганлар кўлида таёқ ёки биталар билан улар томон ҳаракатланишганида, М.Сувонкулов ва Д.Диёров кўрқиб дарвозадан ҳовли ичига кириб кетишганлигини, шунда у ва шериклари кўчада турган автомашинага қўлларида бўлган нарсалар билан ҳар-хил шаклда зиён етказишганлигини, унинг ўзи кўлида бўлган пичоқ билан машина ғилдирақларини тешиб ташлаганлигини, қолганлар ҳам унга қўшилиб автомашинанинг турли жойларига шикаст етказишганлигини, кейин воқеа жойидан кетиб қолишганлигини, ким айнан қанақа зарар етказганлигини эслай олмаслигини, М.Сувонкулов билан олдиндан адовати бўлганлиги сабабли ушбу автомашинани унга тегишли деб ўйлаб унга зиён етказганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарлар қопланганлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ражабов Муҳаммадали судда, айбига иқрорлик билдириб, Исломов Шаҳзодга тегишли спорт залига шуғулланиш учун бориб туришини, у ерда Қурбонов Аброр, Ғойибов Ҳусан, Азамов Муроджон, Ўткиров Фаррух, Ёрбутаев Абдумалик, Қахҳоров Бобур ва Суяров Сухроблар билан бирга шуғулланишини, 2019 йил 26 июль куни Азамов Муроджон билан бирга шуғулланиб кейин ўз уйларига кетишганлигини, соат тахминан 20:00 да Ёрбутаев Абдумалик, Азамов Муроджон ва Қурбонов Аброрлар кўнғироқ қилишиб овқатланишга чақиришганлигини, кейин тахминан соат 20:10 да унга олдиндан таниш бўлмаган Муҳа лақабли шахсга тегишли давлат рақами бўлмаган “Кобальт” автомашинасида Ёрбутаев Абдумалик, Азамов Муроджонлар уни уйига келиб олиб кетишганлигини, автомашинани Муҳа бошқарганлигини, у олд ўриндикқа ўтирганлигини, унинг орқасида Азамов Муроджон, ҳайдовчининг орқасида эса Ёрбутаев Абдумалик ўтирганлигини, сўнг улар ўзлари шуғулланадиган спорт залига келишганлигини, спорт залнинг олдида Қахҳоров Бобур, Қурбонов Аброр, Суяров Сухроб ва Ғойибов Ҳусанлар бўлганлигини, сўнг улар бирга овқатланишга келишиб, “Оқшом” ресторанига қараб ҳаракатланишганлигини, Қурбонов Аброр, Суяров Сухроб ва Ғойибов Ҳусанлар Қахҳоров Бобирга тегишли автомашинада бўлишганлигини ва улар йўлдан Ўткиров Фаррухни ҳам миндириб олишганлигини, Қарши шаҳридаги “UMS” компанияси ёнидаги чорраҳага тўхташганида, қарама-қарши томонидан келаётган “Нексия-3” русумли автомашина ичидаги Сувонкулов Мақсудалини Ёрбутаев Абдумалик кўриб қолиб Муҳага унинг ортидан қувишни айтганлигини, шундан кейин Муҳа уларнинг изидан қувлай бошлаганлигини, “Марко” супермаркети ёнига борганида у ва Ёрбутаев Абдумалик машина ойнасини тушириб Сувонкулов Мақсудалига қараб, “тўхта” деб бақиришганлигини, сўнг у ва



Азамов Муроджон автомашина ичида бўлган ҳид чиқариш мосламасини олиб, М.Сувонкулов ичида бўлган автомашинага қараб отишганлигини, бу ҳолатдан М.Сувонкулов ва кейинчалик унга исми маълум бўлган Диёров Дилшод кўрқиб автомашинани тезлик билан бошқариб қочиб кетишганлигини, кейин улар М.Сувонкуловнинг ортидан тақиб килиб А.Орипов мактаби қаршисидаги ҳарбий қисм ортидаги кўчага кириб боришганлигини, аммо М.Сувонкуловни кўздан йўқотиб қўйишганлигини, кейин Азамов Муроджон Қурбонов Аброрга кўнғироқ қилиб нима ҳақидадир гаплашганлигини, унга эса Ғойибов Хусан кўнғироқ қилиб, нима мақсадда орқага қайтиб кетишганлигини сўраганида, у Сувонкулов Максудалини кўриб қолишганлигини, аммо уни ҳозир йўқотиб қўйишганлигини айтиб, ундан қаердалигини сўраганлигини, шунда Ғойибов Хусан Ўткиров Фаррухнинг уйига кетишаётганлигини айтиб ортларидан келишни сўраганлигини, уларнинг ортидан Ф.Ўткировнинг яшаш уйига кетишаётганда ўзлари қувлаган М.Сувонкулов ичида бўлган автомашинани кўриб қолишганлигини, кейин Қурбонов Аброр автомашинадан тушиб, пичоғини чиқариб, М.Сувонкулов ва Д.Диёров томон борганлигини, унга Ўткиров Фаррух ҳам кўшилганлигини, буни кўрган Суяров Сухроб ҳам уларга кўшилиб кўлидаги темир билан М.Сувонкулов ва Д.Диёров томон ҳаракатланганлигини, бу ҳолатни кўрган Максудали ва Дилшодлар кўрқиб бирдан уйга кириб дарвозани қулфлаб олишганлигини, сўнг Қурбонов Аброр шошиб бориб, автомашинанинг шиналарини пичоқ тикиб тешиб ташлаганлигини, уни изидан борган Суяров Сухроб эса автомашинанинг ойналарини синдириб ташлаганлигини, Ўткиров Фаррухнинг кўлида ҳеч нарсаси бўлмаганлиги учун, у ҳеч нима қилмаганлигини, сўнг у минган автомашинадан биринчи бўлиб Азамов Муроджон, кейин у тушганлигини, Азамов Муроджон эса салонда бўлган таёқни олиб тушганлигини, у эса автомашинадаги қандайдир ключни олганлигини, уларга Муха ва Ёрбутаев Абдумаликлар кўшилганлигини, уларнинг кўлида ҳам таёқлар бўлганлигини, сўнг улар биргалашиб ҳодиса жойида турган автомашинани кўлларидаги нарсалар билан пачоқлаб ташлашганлигини, сўнг воқеа жойидан қочиб кетишганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарларни қоплашганлигини, қайта жиноят содир этмаслигини, жамият учун намунали инсон бўлишини, содир этган жиноятининг оқибатларини тушуниб етганлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ғойибов Хусан судда, айбига иқрорлик билдириб, 2019 йил 26 июль куни тахминан соат 20:30 да Қарши шаҳридаги Медицина коллежи ёнида жойлашган Исломов Шаҳзодга тегишли спорт залидан Суяров Сухроб ва Қурбонов Аброрлар билан бирга чиқиб, Қаҳҳоров Бобурга тегишли автомашинада “Оқшом” ресторанига овқатланишга бориш учун қолган дўстлари билан кўнғироқлашиб, Ўткиров Фаррухни йўлдан олишга келишганликларини, шу орада Ёрбутаев Абдумалик,



Азамов Муроджон ва Ражабов Мухаммадалилар “Муха” лақабли Абдумаликнинг ўртоғига тегишли бўлган рақамсиз “Кобальт” автомашинасида келиб қолишганлигини, кейин биргаликда “Оқшом” ресторанига бормоқчи бўлиб, ушбу спорт залида бирга шуғулланувчи Қаххаров Бобурнинг 70F888AA давлат рақамли “Кобальт” русумли автомашинасида йўлга чиқишганлигини, автомашинани Қахҳоров Бобур бошқарганлигини, унинг ёнига Суяров Сухроб, хайдовчининг орқасидаги ўриндикқа Қурбонов Аброр, ўртада унинг ўзи, Суяров Сухробнинг орқасида Ўткиров Фаррух ўтирганлигини, йўл-йўлакай Ўткиров Фаррух кийимларини алмаштириб олиши учун унинг уйи томонга қараб юришганлигини, уларнинг ортидан Ражабов Мухаммадали, Ёрбутаев Абдумалик, Азамов Муроджон ва Мухалар ҳам ҳаракатланишганлигини, йўлда Қарши шаҳридаги “UMS” алоқа компанияси ёнидаги чорраҳада светофорга тўхташганида, Ёрбўтаев Абдумалик билан Ражабов Мухаммадали қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келган автомашинанинг ичида Сувонқулов Мақсудалини кўриб қолиб, ўзларининг автомашиналари билан унинг ортидан қувлаб кетишганлигини, улар ҳам Ёрбўтаев Абдумаликнинг изидан “Марко” супермаркетининг ёнига қадар боришганлигини, аммо йўлда уларни йўқотиб кўйишганлигини, шунда у рақамсиз “Кобальт” машинасининг ичида бўлган М.Ражабовга кўнғироқ қилганида, у Мақсудалини йўқотиб кўйишганлигини айтганлигини, сўнг улар Ўткиров Фаррух кийимларини алмаштириб олиши учун унинг уйига қараб ҳаракатланишганлигини, уларнинг изидан Абдумалик ва Мухаммадали ҳам ҳаракатланганлигини, Фаррухнинг уйига боришда автомашинанинг олдида ўтирган Суяров Сухроб, Сувонқулов Мақсудалини кўриб қолиб, бирдан автомашинани тўхтатишни айтганлигини, машина тўхташи билан унинг ёнида ўтирган Қурбонов Аброр пичоғини олиб машинадан тушиб кетганлигини, унга Ўткиров Фаррух ва Суяров Сухроб ҳам кўшилганлигини, улар кўлларидаги таёқ ва биталар билан кейинчалик унга исми маълум бўлган Д.Диёровнинг уйи олдида турган автомашинани уриб, синдириб, шиналарини тешиб ташлашганлигини, кейин воқеа жойидан қочиб кетишганлигини, у Қахҳоров Бобур машина билан кетиб қолмаслиги учун унга қараб турганлигини, М.Сувонқуловга нисбатан ҳеч қандай адовати йўқлигини, Д.Диёровни эса умуман танимаслигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарларни қоплашганлигини, қайта жиноят содир этмаслигини, жамият учун намунали инсон бўлишини, содир этган жиноятининг оқибатларини тушуниб етганлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Азамов Муроджон судда, айбига иқрорлик билдириб, Исломов Шаҳзодга тегишли спорт залига шуғулланиш учун бориб туришини, у ерда Қурбонов Аброр, Ғойибов Ҳусан, Ражабов Мухаммадали, Ўткиров Фаррух, Ёрбутаев Абдумалик, Қахҳоров Бобур ва Суяров Сухроблар билан бирга шуғулланишини, 2019 йил 26 июль куни



Ражабов Муҳаммадали билан бирга шуғулланиб кейин ўз уйларига кетишганлигини, соат тахминан 20:00 да Ёрбутаев Абдумалик ва Қурбонов Аброр кўнғироқ қилишиб овқатланишга чақиришганлигини, улар уни олдиндан таниш бўлмаган Муҳа лақабли шахсга тегишли давлат рақами бўлмаган “Кобальт” автомашинасида олиб кетишганлигини, йўлдан Ражабов Муҳаммадалини олишганлигини, автомашинани Муҳа бошқарганлигини, Ражабов Муҳаммадали олд ўриндиққа ўтирганлигини, у М.Ражабовнинг орқасида ўтирганлигини, ҳайдовчининг орқасида эса Ёрбутаев Абдумалик ўтирганлигини, сўнг улар ўзлари шуғулланадиган спорт залга келишганлигини, спорт залнинг олдида Қаххоров Бобур, Қурбонов Аброр, Суяров Сухроб ва Ғойибов Ҳусанлар бўлганлигини, сўнг улар бирга овқатланишга келишиб, “Оқшом” ресторанига қараб ҳаракатланишганлигини, Қурбонов Аброр, Суяров Сухроб ва Ғойибов Ҳусан Қаххоров Бобурга тегишли автомашинада бўлишганлигини ва улар йўлдан Ўткиров Фаррухни ҳам миндириб олишганлигини, Қарши шаҳридаги “UMS” компанияси ёнидаги чорраҳага тўхташганида, қарама-қарши томондан келаётган “Нексия-3” русумли автомашина ичида Сувонкулов Мақсудалини Ёрбутаев Абдумалик кўриб қолиб Муҳага унинг ортидан қувишни айтганлигини, шундан кейин Муҳа уларнинг изидан қувлай бошлаганлигини, “Марко” супермаркети ёнига борганда Ражабов Муҳаммадали ва Ёрбутаев Абдумалик машина ойнасини тушириб Сувонкулов Мақсудалига қараб, “тўхта” деб бақиришганлигини, сўнг у ва Ражабов Муҳаммадали автомашина ичида бўлган хид чиқариш мосламасини олиб, М.Сувонкулов ичида бўлган автомашинага қараб отишганлигини, бу ҳолатдан М.Сувонкулов ва кейинчалик унга исми маълум бўлган Диёров Дилшод кўрқиб автомашинани тезлик билан бошқариб қочиб кетишганлигини, кейин улар М.Сувонкуловнинг ортидан тақиб қилиб А.Орипов мактаби қаршисидаги ҳарбий қисм ортидаги кўчага кириб боришганлигини, аммо М.Сувонкуловни кўздан йўқотиб қўйишганлигини, кейин у Қурбонов Аброрга кўнғироқ қилиб уларни қаердалигини сўраганлигини, Ражабов Муҳаммадалига эса Ғойибов Ҳусан кўнғироқ қилиб, нима мақсадда орқага қайтиб кетишганлигини сўраганида, у Сувонкулов Мақсудалини кўриб қолишганлигини, аммо уни ҳозир йўқотиб қўйишганлигини айтиб, ундан қаердалигини сўраганлигини, шунда Ғойибов Ҳусан Ўткиров Фаррухнинг уйига кетишаётганлигини айтиб ортларидан келишни сўраганлигини, уларнинг ортидан Ф.Ўткировнинг яшаш уйига кетишаётганида ўзлари қувлаган М.Сувонкулов ичида бўлган автомашинани кўриб қолишганлигини, кейин Қурбонов Аброр автомашинадан тушиб, пичоғини чиқариб, М.Сувонкулов ва Д.Диёров томон борганлигини, унга Ўткиров Фаррух ҳам қўшилганлигини, буни кўрган Суяров Сухроб ҳам уларга қўшилиб қўлидаги темир билан М.Сувонкулов ва Д.Диёров томон ҳаракатланганлигини, бу ҳолатни кўрган Мақсудали ва Дилшодлар кўрқиб бирдан уйга кириб дарвозани қулфлаб олишганлигини, сўнг Қурбонов



Аброр шошиб бориб, автомашинанинг шиналарини пичоқ тикиб тешиб ташлаганлигини, уни изидан борган Суяров Сухроб эса автомашинанинг ойналарини синдириб ташлаганлигини, Ўткиров Фаррухнинг қўлида ҳеч нарсаси бўлмаганлиги учун, у ҳеч нима қилмаганлигини, сўнг у минган автомашинадан биринчи бўлиб унинг ўзи, кейин Ражабов Муҳаммадали тушганлигини, у салонда бўлган таёқни олиб тушганлигини, М.Ражабов эса автомашинадаги қандайдир ключни олганлигини, уларга Муҳа ва Ёрбутаев Абдумаликлар қўшилганлигини, уларнинг қўлида ҳам таёқлар бўлганлигини, сўнг улар биргалашиб ҳодиса жойида турган автомашинани қўлларидagi нарсалар билан пачоқлаб, сўнг воқеа жойидан қочиб кетишганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарларни қоплашганлигини, қайта жиноят содир этмаслигини, жамият учун намунали инсон бўлишини, содир этган жиноятининг оқибатларини тушуниб етганлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ўткиров Фаррух судда, айбига иқрорлик билдириб, 2019 йил 26 июль куни Қарши шаҳридаги Медицина коллежи ёнида жойлашган Исломов Шаҳзодга тегишли спорт залидан чиқиб “Яшил бозор” савдо мажмуасининг ёнига келганида унга Қурбонов Аброр қўнғироқ қилиб, овқатланиш учун кетишаётганлигини, агар хоҳласа уни ҳам олиб кетишлари мумкинлигини айтганлигини, у рози бўлганлигини, сўнг Қаххоров Бобурнинг 70F888AA давлат рақамли “Кобальт” русумли автомашинасида келиб уни олиб кетишганлигини, машинада ҳайдовчининг ёнида Суяров Сухроб, ҳайдовчининг орқасида Қурбонов Аброр, ўртада Ғойибов Хусан бўлганлигини, кейин уларга уйига кириб кийимларини алмаштириб олишини айтиб, уйи томон кетишаётганида, у олдинда кетаётган давлат рақамсиз автомашинада ҳам шериклари борлигини эшитганлигини, сўнг “UMS” компанияси ёнидаги чорраҳада тўхташганида олдиндаги рақамсиз автомашина орқага қайтиб олганлигини Суяров Сухроб кўриб, ҳайдовчи Бобурга шерикларининг ортидан ҳайдашни айтганлигини, сўнг улар ичида Ёрбутаев Абдумалик, Азамов Муроджон, Ражабов Муҳаммадали ва Мухалар бўлган автомашинанинг ортидан боришганлигини, аммо йўлда уларни кўздан қочириб қўйиб, сўнг кийимларини алмаштириш учун унинг уйига кетишганлигини, йўлда дадасининг ўртоғи бўлган Диёров Дилшоднинг уйи олдида ўтаётганларида Суяров Сухроб автомашинани тўхтатишини Сувонқулов Мақсудалини кўриб қолганлигини айтганлигини, автомашина тўхташи билан Қурбонов Аброр ёнидан пичоқни олиб автомашинадан тушганлигини, унинг ортидан Суяров Сухроб ҳам тушганлигини, Сувонқулов Мақсудали билан ўртоқлари келишмай юрганлигини билганлиги учун бирор гап бўлишини билиб, у ҳам тушиб, Сувонқулов Мақсудали ва Диёров Дилшодлар томонига югуриб борганлигини, чунки ўзи билан келганлар таёқ ва пичоқлар олиб тушганлиги сабабли улар уйгача бостириб киришса керак деб ўйлаб, бунинг олдини олиш мақсадида



ўртоқларини тўхтатмоқчи бўлганлигини, уларнинг важоҳатидан кўрқиб кетган Сувонкулов Мақсудали ва Диёров Дилшодлар ичкарига кириб, дарвозани ичидан қулфлаб олишганлигини, шу вақтда Қурбонов Абдор ўзи билан олиб тушган пичоқ билан уларнинг автомашинасини шиналарини тешиб ташлаганлигини, бу орада Суяров Сухроб келиб, кўлидаги йиғиладиган темир бита билан автомашинанинг кузов ва ойналарини уриб синдириб ташлаганлигини, кейин уларнинг ортидан келаётган автомашинадан Ражабов Муҳаммадали, Азамов Муроджон, Ёрбутаев Абдумалик ва унга таниш бўлмаган Муҳа лақабли кишилар тушиб, улар ҳам қўлларидаги таёқ ва темирлар билан автомашинанинг ойналарини синдириб, эшикларини пачоқлаб ташлашганлигини, шу вақт жазо ўтаётганлиги эсига тушиб, энди яна қамалиб кетишим мумкин деб бошини ушлаганча ўзи келган автомашинага бориб ўтирганлигини, сўнг воқеа жойидан қочиб кетишганлигини, жабрланувчиларга нисбатан ҳеч қандай адовати бўлмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қайта жиноят содир этмаслигини, содир этган жиноятининг оқибатларини тушуниб етганлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчилар А.Қурбонов, М.Ражабов, Ҳ.Ғойибов, М.Азамов ва Ф.Ўткировнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликлари, ўзларининг айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари:

-мажбурий тартибда ҳам судга келтиришни имкони бўлмаган жабрланувчи Сувонкулов Мақсудалининг дастлабки терговда, 2018 йилнинг октябрь ойида ЖК 119-моддасининг 2-қисми билан судланиб, 2019 йил май ойида қамокдан чиққанидан сўнг таниши Хуршид кўнғироқ қилиб, Қарши шаҳрида яшовчи Шохрух исмли бола билан тортишиб қолганлигини, уни тинч қўймаётганлигини айтганлигини, шундан кейин 2019 йил 18 май куни Қарши шаҳридаги Медицина коллежи ёнида Ёрбўтаев Шохрух билан учрашиб, унга Хуршид билан ўзаро гаплашиб муаммоларини ҳал қилиб олишини айтганлигини, у бўлса унга бу ишларга аралашмаслигини, Хуршид билан масаласини ўзи ҳал қилишини айтганлигини, орадан бир неча кун ўтиб Хуршид кўнғироқ қилиб, уни бир неча болалар қувлаганлигини, уларни Шохрух юборган бўлиши мумкинлигини айтганлигини, 2019 йил 20 май куни Шохрухга бу ҳақда айтганида, у жаҳл қилиб, унга “Сен у билан аралашиб юрибсан, уни ҳимоя қилма” деб айтганлигини, сўнг Хуршидга эҳтиёт бўлиб юришини айтганлигини, эртаси куни “Масков” ресторанида таниши Ғайрат ака билан ўтириб, овқатланиб чиққанидан кейин кейинчалик билган Ғойибов Ҳусан гаплашиб олиш учун чеккароққа ўтишини сўраганлигини, сўнг рестораннинг орқасига ўтганида, у ерда кўпчилик болалар бўлганлигини, Ҳусан уни урмоқчи бўлганида унга чап берганлигини, сўнг қочиб ресторанга кириб олганлигини, сўнг Миллий Гвардия ва ИИБ ходимлари уларни қувалаб кетишганлигини, бу ҳолат бўйича бирор жойга мурожаат қилмаганлигини, 2019 йил 26 июль куни қариндоши Диёров Дилшоднинг автомашинасида у билан бирга “Марко” супермаркети томон бориб,



бурилаётганларида изларидан “Кобальт” русумли автомашина қўлаб келиб, уларга тўхташни айтишганлигини, ушбу автомашина ичидан Ражабов Муҳаммадали қўлидаги темирини ва машинадан ярим танасини чиқариб тўхташларини айтганлигини, унинг орқасида ҳам бошқа болаларнинг қўлларида бита ва шунга ўхшаш нарсалар борлигини кўриб, Дилшод акага тўхтамаслигини, агар тўхтасак катта жанжал бўлишини айтганлигини, ҳолатни тушунган Диёров Дилшод “Марко” супермаркетига кириш фикридан қайтиб автомашинани тез ҳайдаб маҳаллага кириб кетганлигини, “Кобальт” автомашинасида бўлган болалар уларни йўқотиб қўйишганлигини, шу пайт Дилшод ака ўғлига қўнғироқ қилиб ўзларини ҳимоя қилиш учун таёқ ёки темир олиб чиқишини айтганлигини, сўнг Д.Диёровнинг Қарши шаҳар “Комилон” маҳалласи, Туркистон кўчаси, 47-уйига келиб, Д.Диёров ИИБга мурожаат қилмоқчи бўлиб турганида, изидан “Кобальт” ва “Дамас” русумли автомашиналар тўхтаб, автомашиналардан пичоқ, темир, бита ва таёқ кўтариб тушиб келаётган болаларни кўриб, Д.Диёровнинг “Нексия-3” русумли автомашинасини кўчада қолдириб, ўзлари уйга кириб, дарвозани ичкаридан ёпиб олганликларини, сўнг ушбу автомашинанинг шиналарини тешиб, ойналарини синдириб, машинани пачоқлаб ташлашганлигини, бу ҳолат бўйича Диёров Дилшод ака ИИБга хабар берганлигини, кейин ИИБ ходимлари келиб, ходиса жойини кўздан кечиришиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини билдирган кўрсатуви;

-судга унинг номидан вакил сифатида иштирок этиш учун адвокат О.Рахимовга нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома берган жабрланувчи Диёров Дилшоднинг дастлабки терговда, 2019 йил 26 июль куни қариндоши Сувонқулов Мақсудали билан бирга бошқарувидаги қизи Давронова Паризоданинг номида бўлган 70 J 888 АА давлат рақамли “Нексия-3” русумли автомашинасида сув олиш учун Қарши шаҳридаги “Марко” супермаркети томон бориб бурилаётганида, нотаниш “Кобальт” русумли автомашинасида 3-4 нафар бола автомашина ичидан тош отишганлигини, ушбу тош автомашинасининг орқа чап ғилдирагига текканлигини, сўнг тўхтанглар деб, қўлларидаги таёқларни кўрсатишганлигини, уларнинг қилган ҳаракатларидан кўрқиб автомашинани тўғри яшаш уйига бошқарганлигини ва ўзларини ҳимоя қилиш учун ўғли Давронов Асадбекка телефон қилиб, тахта ёки темир олиб чиқиб туришини айтганлигини, сўнг уйининг дарвозаси олдида бориб тўхтаб, машинадан тушиб, Мақсудали билан ўзаро гаплашиб турганларида, “Кобальт” русумли автомашина яшаш уйининг рўпарасига келиб тўхтаб, унинг ичидан уч нафар унга нотаниш бўлган болалар қўлларида пичоқ, темир бўлаги ва бита билан тушиб, тўғри улар турган жойга қараб келаверишгач, автомашинасини кўчада қолдириб, ўзларига уйига кириб кетишганлигини, сўнг ушбу болалар автомашинасини пачоқлаб, шиналарини тешиб кетишганлигини, сўнг ИИБга мурожаат қилганлигини билдирган кўрсатуви;



-судда жабрланувчи Д.Диёровнинг вакили сифатида иштирок этган адвокат О.Рахимовнинг судда, жабрланувчи Д.Диёровга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчиларга нисбатан даъволари йўқлигини билдириб, уларга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраган кўрсатуви;

-бундан ташқари, судланувчилар А.Қурбонов, М.Ражабов, Ҳ.Ғойибов, М.Азамов ва Ф.Ўткировнинг айби:

-жабрланувчилар Д.Диёров ва М.Сувонкуловнинг судланувчиларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари хусусида Қарши шаҳар ИИБга ва Қарши шаҳар прокуратурасига ёзган аризалари ва тушунтириш хатлари (1-жилд и.в.2-4; 20-23; 147-148; 180-181);

-ҳодиса жойини кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, чизма ва жабрланувчи Д.Диёровга тегишли бўлган “Нексия-3” русумли давлат рақами 70 J 888 АА бўлган машинасининг пачоқланган ҳолатдаги фотосуратлари (1-жилд и.в.7-19; 24-25);

-судга оид автотехника баҳолаш экспертизасининг 2019 йил 9 августдаги “Нексия-3” русумли давлат рақами 70 J 888 АА бўлган машинасига етказилган моддий зарар миқдори 13.016.674 сўмни ташкил этиши тўғрисидаги 2159/13-сонли хулосаси ва фотосуратлар (1-жилд и.в.29-32);

-Қарши шаҳар И.Каримов кўчасидаги Медицина коллежининг ёнида жойлашган спорт залдан 2019 йил 26 июль куни ушбу залга келган болаларнинг видео тасвирлари туширилган видео ёзувларни олиш тўғрисидаги баённома, фотосуратлар ва бир дона диск (1-жилд и.в.166-171);

-судланувчи М.Ражабовнинг ҳодиса куни телефон сўзлашувлари акс этган сўзлашувлар детализацияси (2-жилд и.в.3-10);

-қидирув эълон қилинган А.Ёрбўтаевнинг ҳодиса куни телефон сўзлашувлари акс этган сўзлашувлар детализацияси (2-жилд и.в.17-19);

-М.Азамов, А.Қурбонов, Ҳ.Ғойибов, М.Ражабов ва Ф.Ўткировнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тўғрисидаги баённомалар ва фотосуратлар (2-жилд и.в.83-87; 90-94; 96-100; 101-105; 107-111);

-судланувчи Ф.Ўткировнинг ҳодиса куни телефон сўзлашувлари акс этган сўзлашувлар детализацияси (2-жилд и.в.118-124);

-тергов ҳаракатлари тасвири ёзилган ҳамда ҳодиса жойидаги ҳолат тасвири туширилган икки дона дискни ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор (2-жилд и.в.181) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчиларга нисбатан қўйилган айб квалификацияларини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, судланувчи А.Қурбоновнинг жиноий ҳаракати ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан, судланувчилар М.Ражабов, Ҳ.Ғойибов, М.Азамов ва Ф.Ўткировнинг жиноий ҳаракатлари эса ЖК 277-моддаси



3-қисмининг “г” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “а” бандида такроран ёки хавфли рецидивист томонидан безорилик жиноятини содир этганлиги учун, ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” бандида эса безорилик жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексининг 32-моддасида – ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши;

-ЖКнинг 34-моддасида эса – илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасдан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши кўрсатилган.

Ишдаги тасдиқланган далилларга кўра, судланувчи А.Қурбонов бир айб эпизодида жиноят содир этган, шунингдек у муқаддам безорилик жинояти учун судланмаган. Гарчанд, А.Қурбонов Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2019 йил 1 ноябрдаги ҳукми билан безорилик жиноятини содир этганлиги учун судланган бўлса-да, у ҳозирги ҳукмда кўрсатилган жиноятни 2019 йил 26 июль куни, яъни аввалги ҳукмдан олдин содир этган.

Бундай ҳолда, А.Қурбоновнинг жиноий ҳаракатини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан квалификация қилиб бўлмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли қарорининг 10-бандида, безорилик ҳаракатлари давомида айбдор жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатса, шу жумладан, уларга нисбатан ўртача оғир шикаст етказиш даражасида зўрлик ишлатса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида;

-4-бандида эса, қилмишни ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан квалификация қилиш учун безорилик замирида совуқ қурол ёки шахснинг соғлигига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни намоёни қилиш (кўрсатиш)нинг ўзи етарли эканлиги, бунда уларни қўллашга нисбатан таҳдид бўлган-бўлмаганлигининг аҳамияти йўқлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ишдаги тасдиқланган далилларга кўра, судланувчилар А.Қурбонов, М.Ражабов, Ҳ.Ғойибов, М.Азамов ва Ф.Ўткировлар жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакилига ёки жамоатчилик



вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб безорилик жиноятини содир этишмасдан, балки олдиндан тил бириктирган ҳолда, бир гуруҳ бўлиб, кўлларидаги пичоқ, бита, темир ва таёқларни қурол сифатида намоёиш қилишиб, бу ҳолатдан кўркиб уйларига кириб кетган Д.Диёров ва М.Сувонкуловни кўришиб, Д.Диёровнинг бошқарувида бўлган, ўзининг Қарши шаҳар “Комилон” маҳалласи, Туркистон кўчаси, 47-уйининг олдида турган фуқаро Давронова Паризод Дилшод қизига тегишли бўлган “Нексия-3” русумли давлат рақами 70 J 888 AA бўлган автомашинасини жамиятда юриш туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, ҳеч бир сабабсиз ушбу автомашинанинг ойналарини синдириб, шиналарини тешиб, кузовларини қайириб, ушбу автомашинага 13.016.674 сўм миқдорида моддий зарар етказишганлиги сабабли, суд судланувчи А.Қурбоновнинг жиноий ҳаракатини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандларидан ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларига, судланувчилар М.Ражабов, Ҳ.Ғойибов, М.Азамов ва Ф.Ўткировнинг жиноий ҳаракатларини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” бандидан ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи А.Қурбоновга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб, илгари ҳам қасдан жиноят содир этганлиги учун судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан ва ахлоқан тузалиш йўлига ўтмасдан қасдан янги жиноят содир этганлигини (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, уни айбига иқрорлик билдириб қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини (ЖК 55-моддаси) инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаб бўлмаслигини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2019 йил 1 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан қисман кўшиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасдан янги жиноят содир этганлиги сабабли, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “в” бандига асосан жазони қаттиқ тартибли колонияларида ўтатиришни, жазо муддатини аввалги ҳукм билан белгиланган кундан бошлаб ҳисоблашни, унинг эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни;

-судланувчилар М.Ражабов, Ҳ.Ғойибов ва М.Азамовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, уларнинг шахсини эътиборга олиб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, жазосини енгиллаштирувчи



ҳолатлар деб, уларни айбига иқрорлик билдириб қилмишларидан пушаймонликларини, муқаддам судланмаганликларини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг уларга нисбатан даъвоси бўлмасдан қонуний енгиллик беришни сўраганлигини, яшаш ва ўқиш жойларидан ижобий тавсифланганликларини, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб кўплаб совринларга эга бўлганликларини, улар томонидан қайта жиноят содир этмасликларига, жамият учун намунали инсон бўлиб етишларига ота-оналари қафолат хатлари берганликларини, оилавий шароитларини (ЖК 55-моддаси) инобатга олиб, уларни жамиятдан ажратмасдан қайта тарбиялаш мумкин бўлганлигини эътиборга олиб, ҳар бирига нисбатан ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазolari тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан уларни қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланаётган жазодан чегиришни, уларга нисбатан тегишли тақиқлар ва мажбуриятлар юклашни, ҳар бирига нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораларини ўзгартириб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилишни;

-судланувчи Ф.Ўткировга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлиги учун судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан ва ахлоқан тузалиш йўлига ўтмасдан жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир этганлигини (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, уни айбига қисман иқрорлик билдириб қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини (ЖК 55-моддаси) инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаб бўлмаслигини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан қилмишига мувофиқ қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2017 йил 13 декабрдаги ҳукми билан тайинланиб ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 61,60-моддаларига асосан қисман қўшиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги жиноят содир этганлиги сабабли, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “в” бандига асосан жазони қаттиқ тартибли колонияларида ўтатиришни, жазо муддатини ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган кундан бошлаб ҳисоблашни, унинг эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни, жабрланувчи Д.Диёровга етказилган 13.016.674 сўм миқдоридаги моддий зарар қопланганлигини, ашёвий далил деб эътироф этилган тергов ҳаракатлари тасвири ёзилган ҳамда ҳодиса жойидаги ҳолат тасвири туширилган икки дона диск жиноят ишига қўшилганлигини қайд қилишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И :

**Судланувчи Қурбонов Аброр Шухратович** (Qurbonov Abror Shuxratovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2019 йил 1 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган 1 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан қисман қўшилиб, Қурбонов Аброр Шухратовичга 1 (бир) йил 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларида ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати 2019 йил 3 август кунидан бошлаб ҳисоблансин. Судланувчи А.Қурбоновнинг эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

**Судланувчи Ражабов Муҳаммадали Шерали ўғли** (Rajabov Muhammadali Sherali o`gli) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан сутканинг кеч соат 20<sup>00</sup>дан эрталаб соат 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи М.Ражабовнинг 2019 йил 23 август кунидан 2019 йил 18 декабрь кунига қадар қамоқда сақланган 3 ой 25 кун муддати ЖКнинг 62-моддасига асосан озодликни чеклаш жазосининг 3 ой 25 кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилсин ва М.Ражабовга ўташ учун сутканинг кеч соат 20<sup>00</sup>дан эрталаб соат 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 (икки) йил 2 (икки) ой 5 (беш) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи М.Ражабовнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар ва мажбуриятлар юклатилсин:

- муайян жойларга яъни клуб, дискотека, кафе ва барларга бормаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- ишга жойлашиш;
- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Яккабоғ тумани ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Жазони ижро этиш Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи М.Ражабовнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.



**Судланувчи Ғойибов Ҳусан Шухрат ўғли** (G`oyibov Husan Shuhrat o`gli) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан сутканинг кеч соат 20<sup>00</sup>дан эрталаб соат 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ҳ.Ғойибовнинг 2019 йил 13 сентябрь кунидан 2019 йил 18 декабрь кунига қадар қамоқда сақланган 3 ой 5 кун муддати ЖКнинг 62-моддасига асосан озодликни чеклаш жазосининг 3 ой 5 кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилсин ва Ҳ.Ғойибовга ўташ учун сутканинг кеч соат 20<sup>00</sup>дан эрталаб соат 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 (икки) йил 2 (икки) ой 25 (йигирма беш) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи Ҳ.Ғойибовнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар ва мажбуриятлар юклатилсин:

- муайян жойларга яъни клуб, дискотека, кафе ва барларга бормаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- ишга жойлашиш;
- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Қарши шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Жазони ижро этиш Қарши шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ҳ.Ғойибовнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

**Судланувчи Азамов Муроджон Шавкат ўғли** (Azamov Murodjon Shavkat o`gli) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан сутканинг кеч соат 20<sup>00</sup>дан эрталаб соат 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи М.Азамовнинг 2019 йил 20 сентябрь кунидан 2019 йил 18 декабрь кунига қадар қамоқда сақланган 2 ой 28 кун муддати ЖКнинг 62-моддасига асосан озодликни чеклаш жазосининг 2 ой 28 кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилсин ва М.Азамовга ўташ учун сутканинг кеч соат 20<sup>00</sup>дан эрталаб соат 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 (икки) йил 3 (уч) ой 2 (икки) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи М.Азамовнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар юклатилсин:

- муайян жойларга яъни клуб, дискотека, кафе ва барларга бормаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;



• назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва ўқиш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Қарши шаҳри ҳудудидан ташқарига чикмаслик.

Жазони ижро этиш Қарши шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи М.Азамовнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

**Судланувчи Ўткиров Фаррух Хуршид ўғли** (O`tkirov Farrux Xurshid o`gli) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2017 йил 13 декабрдаги ҳукми билан тайинланиб ўталмай қолган иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 4 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 61,60-моддаларига асосан қисман кўшилиб, Ўткиров Фаррух Хуршид ўғлига 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларида ўтаттирилсин. Жазони ўташ муддати 2019 йил 13 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин. Судланувчи Ф.Ўткировнинг эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Жабрланувчи Диёров Дилшод Давроновичга етказилган 13.016.674 сўм миқдоридаги моддий зарар қопланганлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил – тергов ҳаракатлари тасвири ёзилган ҳамда ҳодиса жойидаги ҳолат тасвири туширилган икки дона диск жиноят ишига қўшилганлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья**

**А.Элмуродов**

